

## **“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

# Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси

директори Ш.Отаев

.2022 йил

**Буюртмачи: Шовот тумани "Қўшқўпир" МФЙдаги 10-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш (640 ўқ.ўринли) обьекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишига**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Урганч шаҳри -2022

## **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Узбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқарув Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чикилди

### **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1 Хизматда Шовот тумани "Қўшқўпир" МФЙдаги 10-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш (640 ўқ.ўринли) обьекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун (Лойиҳа смета хужжатлари, Топосёмка ва муаллифлик назоратини юритишни ўз ичига олган ҳолда).

1.2. Танлов қиймати -77064,0 (Етмиш етти миллион олтмиш тўрт минг) минг сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан лойиҳачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш кунда тўлиқ бажариш талаб қилинади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Хоразм вилояти хокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниеринг компанияси, (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўча 23-үй  
Эл.манзил: xorazm\_ik@mail.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

2.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар талаб этилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик, хукуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Лойихалаштириладиган объект лойихалаштириш тоифасига кўра 2 ёки 3-тоифали, лицензияси бўлиши, шунга ўхшаш объекларда ишлаган бўлиши лозим. Низом маблағи миқдори. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

2.3. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги ва олдин ишлаган обьектлар бўйича ишлар ўз муддатида бажармаган ва лойиҳачини айби билан муддати ўтган ишлари мавжуд бўлса

2.4. Танлов иштирокчилари - танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хакида мурожаат килишга хақлидирлар.